



“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ИК” УК Фаргона вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи. А.Умурзақовга

Техник шарт

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 ноябр кунги Раёсат мажлисининг 159-сонли баёнининг 3-иловасида Тошлоқ тумани **”Оқ олтин саховати”** КСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш ва марказлашган оқава сув тизимига улаш бўйича қурилиш монтаж ишлари олиб бориш юзасидан **“Узсувтаъминот”** АЖ **“Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича ҳудудий бошқармаси бошлиғи А.Умурзақовнинг** 2021 йил 4 ноябрдаги 450-сонли хатига асосан қуйидаги ишлар бажарилиши таълаб этилади.

Ичимлик сув бўйича

Тошлоқ тумани **”Оқ олтин саховати”** КСЗ ни ичимлик суви билан таъминлаш юзасидан урганиб чиқилганда ичимлик суви сарфи 40,0 м³/соат ичимлик суви билан таъминлаш учун **“Фаргона сув таъминоти”** МЧЖ Тошлоқ тумани булими тасарруфидаги марказлашган ичимлик сув тармоғи йуклиги сабабли ушбу ҳудудга 2 (икки) дона диаметри 219 ммли ичимлик тик сув қудуғи қозиш, 2 (икки) дона замонавий электр тежамкор **“Вило”** 8-40/90 сув насоси ўрнатиш, 1 (бир) дона лойиха асосида ТП (трансфарматор) ўрнатиш ва электр ҳаво линиясини тортиш, 1 (бир) дона электр бошқарув ускунаси ўрнатиш, 1 (бир) дона замонавий электр хисоблагич урнатиш, 1 (бир) дона замонавий сув хисоблагич ўрнатиш, 2 дона 150 м³ ли сув сақлаш омбори (резервуар) қуриш ва унга мос автоматик ўчириб ёқиш мосламаси (Поплавок) ўрнатиш, 1 (бир) дона ичимлик сувини зарарсизлантириш биноси қуриш ва унга ускунаси урнатиш, II-кўтариш насос станцияси кўриш ва лойихага мос насослар ўрнатиш ҳамда узунлиги 4,0 км SDR17 турдаги полиэтилен 8.0 (АТМ) босимли ичимлик сув қувури лойиха асосида замонавий пайвандлаш дазмоли ёрдамида монтаж қилиш ишлари ШНҚ, ҚМҚ талабларига ҳамда СЭО ва ЖС талабларига мос равишда иншоот ҳудуди ўралиши ва замонавий ёритгич чироқлари билан таъминланиши шарт.

Оқава сув бўйича:

Тошлоқ тумани ташкил этилаётган **”Оқ олтин саховати”** КСЗ ни оқава суви тизимлари билан таъминлаш учун **улашиш нуқтаси:** ушбу ҳудудда оқава

сув тизимлари мавжуд эмаслигини инобатга олиб лойиха асосида лойихавий куввати аниқланиб 1 дона оқава сув тозалаш иншооти (ЛОС) қуриш ва 1,0 км оқава сув тармоғи тортиш ишларини ШНҚ, ҚМҚ, СЭО ва ЖС талабларига мос равишда амалга оширилиши таълаб этилади.

Тошлоқ тумани **"Оқ олтин саховати" КСЗ** худудида ичимлик ва оқава сув тармоқларини қуриш ва монтаж қилиш даврида бошқа мухандислик коммуникациялари (электр, газ, алоқа ва бошқалар) тармоқларига шикаст етказмаслик мақсадида тегишли корхоналардан хулоса олиш кўзда тутилсин.

Буюртмачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июл кунги 194-сонли қарорининг 2-илова 30-бандига асосан ичимлик ва оқава сув объектлари буйича ишлаб чиқилган лойиха смета ҳужжатлари **"Фарғона сув таъминоти"** МЧЖ Бош мухандиси билан келишилиб, 1(бир) нусха лойиха смета ҳужжатлари берилиши шарт.

Ушбу техник шарт берилган кундан бошлаб 2 (икки) йил мобайнида ҳақиқий деб ҳисобланади.

"Фарғона сув таъминоти" МЧЖ

Бош мухандиси:



И.Абдуллаев